

ҲСМОН АЗИМ

ШАНЛАНИҒАН АСАРЛАР

Биринчи қилм

Шеърлар
Бахшиёна қўшиқлар

Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи
Тошкент – 2016

УЎК 821.512.133-3
КБК 84(5Ў)6
А 37

Азим, Усмон.

Танланган асарлар. 1-жилд / У.Азим. – Тошкент: Фафур
Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2016. – 480 б.

Ўзбекистон халқ шоири, ўзбекнинг забардаст ижодкори Усмон Азим асарлари аслида таърифга муҳтож эмас. Уни билмаган, севиб ўқимаган, ёки қандай даражада бўлмасин, бирор муносабат билдирмаган, эътиборсиз ўқиган китобхон топилмаса керак. Мабодо шундайи топилса ҳам, у адабиётнинг асл муҳлиси эмас. Зеро, умрини адабиётга бахшида этиб келаётган, бу йўлда тинимсиз изланган ва изланаётган шоирнинг шеърлари, насрий асарлари, драмалари бир инсоннинг қалбини эмас, миллатнинг, инсониятнинг қалбини ўзида ифодалайди.

“Танланган асарлар”нинг 1-жилдида шоирнинг “Дарс” (1986), “Сурат парчалари” (1986), “Иккинчи апрель” (1987), “Бахшиёна” (1983–2013), “Уйғониш азоби” (1991) китобларидан энг сара шеърлар ва бахшиёна кўшиқлар жамланди. Ўқинг, албатта мамнун бўласиз, азиз китобхон!

УЎК 821.512.133-1
КБК 84(5Ў)6

© Усмон Азим
© Фафур Ғулом номидаги
нашриёт-матбаа ижодий
уйи, 2016

ISBN 978-9943-03-740-3

ЮРАКНИНГ АЪМОЛИ

“Воҳ!.. Менинг юрагим тоғ каби ўсди!..”

Қанча ёзиш мумкин? Нега инсонда ёзиш истаги бу қадар кучли? Шоир нима учун ёзади, ёзаверади? Бу нима? Мангуликка дахлдорликни англаш иштиёқими?... Ёхуд инсоннинг ўз-ўзини ифодалаш ва англаш йўли?...

Усмон Азимнинг шеърларини ўқиб, кўнгилдан шу ўйлар кечади. Шоирнинг ўзи бир суҳбатда шундай деган эди: “...ижод – мукамаллик сари элтадиган йўлни излаш ёки ...буюк тасалли – умид ярагадиган жараён... Ижод – санъаткорнинг мангулик учун ўткинчи дунё билан қилган жангидир... Бу жангу жадал, бу соғинч, бу ёлғизлик, бу изтироб, ночорлик ва жасорат истеъдоднинг сеҳрли шуълалари билан омукта бўлганда, гўзал асарлар яралади. Истеъдод – Оллоҳ билан учрашувнинг энг гўзалидир...”.

Шеър инсоннинг ўзини мукамалроқ, дунёни гўзалроқ кўриш истагидан туғилади. Аммо бу таъриф баъзан ўз салмоғини йўқотади, унга изоҳ ва шарҳлар беришга эҳтиёж пайдо бўлади. Айниқса, Усмон Азим шеърини ҳақида сўз кетганда, шеърнинг бошқа вазифалари, мезонлари ҳақида ўйлайсан, шеър, умуман ижод, бу – инсоннинг исёни, дунёнинг номукамаллигига, умрнинг ўткинчилигига қарши бир исён эканлигини тушуна бошлайсан. Бу исён ортида хамиша излаш, англаш, йўқотиш ва топиш мавжудлигини ҳис қиласан. Онгни узлуксиз фаолиятда ушлаб туриш интизомига, ёлғизликка эҳтиёж сезасан. Ёлғизлик юракка кўчганида идрок янги ланиши мумкинлигини англайсан. Бир хил кечаётган-

дек – якранг такрорланаётган кунларни ўтказишга, яшаб ўтишга маҳкум инсоннинг бу дунёдан маъно излаб, мазмун топиб, унинг фожиасини англаб, уни енгиб яшаши жасоратдек туюла бошлайди.

Юрак билан юзма-юз қолиб унга малолсиз боқиш, унинг ҳақиқатини ёзиш муҳим Усмон Азим шеъриятида. Бу исённинг сокин оҳангларда ифодаланиши эса янада ҳайратланарли:

Ўлим судраб борар –
ушлаб қолай десам,
эккан дарахтларимнинг
биттаси ҳам йўк...

Ўлим судраб борар –
ким кесиб, йўк қилди
эккан дарахтларимни?

Эккан дарахтларим
униб чиқмасдан
ким ўлимга топширди мени?

Нега мунча чуқур экдим
Бу дарахтларни –
кимга фойдаси бор
минг йилдан кейин кўкарса...

Минг йилдан кейин кўкарса,
ўлим нима дейди уларга,
нима дейди уларга бу номард ўлим.

Кайдан топади
минг йил ўсадиган жавобни –
бир ўлим бўлса...

Дунё кўрқоқ одамга ҳеч нарса бермайди. Кўркув ис-
канжасида яшаётган одам на дунёни, на ўзини танийди.
Унинг кунлари рангсиз, бесамар ўтаверади. Ниманидар
англаш, тирикликнинг, дунёнинг мазмун-моҳиятини ту-
шуниб етиш учун ўлимдан чўчимаслик, унга кўркмасдан
тик боқишга куч топмоғи керак инсон ўзида. Шоир шахси
фожиавийлигини яққол намоён этган бу шеър ўлим ҳақи-
да эмас, тириклик ҳақида, инсоннинг инсонлик моҳияти
ҳақида. У ўйлашга мажбурлайди. Усмон Азимнинг барча
шеърларида шу хусусият мавжуд. Уларни ўйлаб, юракни
ишлатиб ўқиш керак. Ўйлаш эса ҳамма нарсани қайта,
янгидан ўрганиш, ҳар бир нарса-ҳодисага диққат билан
назар ташлаб, англашдир. Шу маънода шеър инсонни
қайта яратиш кучига эга.

Шоир шеърларида бебақолик ва фонийликка исён
ҳамма нарсани барбод қилиш ва бой беришни эмас,
ҳақиқат, адолат, гўзаллик ва ниҳоят, ўз-ўзини англаш, де-
макки, яратиш учун хизмат қилишни тарғиб этади. Чина-
кам санъат асари – шеърга юкланадиган вазифани уdda-
лайди.

Ўзи бир бор ёғиб ўтишга арзийди
одамнинг умри.
ёғ, умрим, кўнгиллар кўкарсин!

Фақат эркин ёғ,
яна минг бор ёғадигандай.

Бир томондан инкор этиш, иккинчи томондан ша-
рафлаш, йўл – шу! Ҳаққа интилаётган кўнгилга бўм-бўш
туялган дунёнинг рангин ташбеҳларини топган шоир
шеърларида уни беармон тасвирлайди. Шеърга, у орқали
юракка кўчган дунё, борлик – еру осмон, денгизу соҳил
ва ҳатто энг майда зарра – ҳаммаси ўзингники, ва айни

пайтда, сендан олисда – бегона. Унда бирдан дунёни бутун – бору йўғи билан кўра бошлайсан. У минглаб йиллар илгариги ва кейинги киёфалари билан кўз ўнгингда намоён бўлади. У йўқотилган жаннатдек тасаввурни қолдиради, кўксингда.

Шу кум зарраси ҳам – дунёнинг акси,
Унда ҳам жо эрур фано ва бақо.
Кумнинг шамолдаги ноилож ракси
Нимани эслатди? Ўзимними ё?
Қисматнинг дастиди – ўжар гунгликда –
Қай буржда, эй зарра, этарсан сайр?
Жон ато бўлурми? Ёхуд кумликда
Дийдор кўришгунча хайрми?.. Хайр...
Бу тоғлар аҳдига қилмайди вафо,
Бу дарё кетади – сохилни ташлаб...
Фақат кум зарраси унутмайди, о! –
Учар – аҳдимизни чангалда ушлаб.

Шунда абадиятга, мангуликка ташна руҳ ўзига макон излайди ва борлигу йўқлик оралаб кетади. Тангрига қадар йўлни босиб ўтиши керак бўлган бу кўнгил чексизлик ичра сочилади... Буёғини тушунтириш мушкул, тушунтириб бўлмайди, бу шеърни фақат яшаб ўтиш керакдек, гўё:

Фалак кўлингда кумман!
Руҳ муштингдан барибир оқди.
Ҳар заррамни беадад тунга,
Шамолларинг бекадр сочди.

Мени йиғиб олмоғинг мушкул
Изламагин – ҳийланг бесамар...
О, сочилди девона кўнгил,
Ўзимдан то тангрига қадар...

Шоир шеърларининг қиммати – уларнинг ҳаётдан маъно излашга ундашида. Ҳаётдан маъно излаб яшашни истаган инсон, аввало, ўзини тафтиш қилади, эркинликка ташна руҳининг интилишларини англаш кўйига тушади, қалбидаги исённинг моҳиятини излайди. Исён ва ижод ёнма-ён яшай бошлайди. Мувозанат – қийноқсиз қийноққа айланади, у мисоли рангсиз байроқ. Чунки дунё билан ўз мувозанатини топиб олган кўнгилнинг истаклари дунёнинг ройишидан нарига ўтолмайди, тирикликнинг мазмуни эса торайиб бораверади. Шу боис қалб исён йўлига ўтади:

Мувозанат – қийноқсиз қийноқ,
Мувозанат – энг бебахт бахтим,
Мувозанат – эй рангсиз байроқ –
Қачон сенинг қулайди тахтинг.

Бу исён дунёнинг номукамаллигига, инсоннинг ожизлигига қарши, умрнинг ўткинчилиги ва ҳаётнинг бевафолигини идрок эттиришга қаратилгандир. Бу норозилик эркак ташна қалбни уйғотишга, эрkning моҳиятини англатиш кучига эга. Шеърлардаги ушбу мавзу китобхонга шоир шахсини яна ҳам яқиндан танитиб боради, чунки ҳақиқий шоир – ижодкор дунёда кечаётган ўзгаришларга ҳамиша ўзини жавобгар ҳис этиб келган. Шу боис илғор ижодкорлар асарларида нафақат муайян макон ва замон, балки умуминсоний муаммо ва масалалар ўз ифодасини топган. Улар ичида энг муҳими – эрк ва эркинликдир.

Негадир бу дунёни
кўргим келади озод.
Негадир чин сўзлардан
излайман факат нажот.

Негадир юрак бериб,
тошга тилайман рағбат.
Негадир тупроқ билан
қургим келади суҳбат.

Негадир инсон бахтга
муносиб деб ўйлайман.
Негадир занжирбандман,
негадир хур куйлайман.

Негадир ўзни кечиб,
ўзимни изласам ҳам –
Умримни барча билан
қургим келади баҳам.

Эркинлик бўлмас экан, шоир учун ижод ҳам, ҳаёт-
нинг мазмуни бўлган инсонийлик, инсон кадр-қиммати,
инсонпарварлик ҳам қолмайди. Эркисизликда ҳамма нарса
маъносини йўқотади – кадрсизланади.

Осмон,
сен ҳам
сал кўтарил!
Озгина баланд бўл!

Мен
бўйимни неча марта кесдим,
ахир?

Шоир бу мазмундаги ўй-фикрларини шеърларида эрк
ва озодликнинг тимсолига айланган Чўлпон ёки Ҳамлет
тилидан ифоладайди. Масалан, “Чўлпон” шеърда ушбу
мисраларни ўқиймиз:

Агрофимда замоннинг ройи –
Ёлгон тўқир барча ҳавасга.
Қандай кунга қолдим, Худойим! –
Мен озодлик қурдим қафасда.

Яхши шеър сирлилиги, бир пайтда бир неча маъноларни ифодалай олиши билан қимматли. Шу жиҳати боис Усмон Азимнинг шеърлари китобхонни уларга қайта мушоабада қилишга мажбурлайди:

Воҳ!... Менинг юрагим тоғ каби ўсди!
Бу ёлгон дунёнинг юзини тўсди.
Бу тоғда ўлтирдим бир ўзим якка,
Тумандай чулғаниб фақат юракка.
Пойимда туманлар булутдай тўзди,
Чексиз адирларни тутиб этакда.

Бу тоғда – тўйгунча чексизлик ютдим,
Қўл чўздим – Вактни бир куш каби тутдим –
У куш олиб учди мени саросар...

Бу шеър қайта-қайта ўқилгандагина ундаги дарднинг кўламини идрок этиш, ҳасратни чуқурроқ туйиш мумкин. Ҳар қандай асарда, айниқса, шеърда сир бўлмаса, унинг жозибаси ҳам бўлмайди – шеърлиги қолмайди. Мана шу сирлилик шеър муаллифига, унинг шахсига қизиқишни, унинг шахсини бошқа шеърларидан излаб топишга иштиёқни кучайтиради. Чунки шоирнинг шахс сифатидаги имкониятлари – дунёни идрок этиши, ижтимоий воқеликка муносабати, маҳорати шеърнинг имкониятига айланади, унинг қувватини таъминлайди.

Кечаси уйғонсам, ит ҳураяпти –
аниқ; занжиридан норози.

Туннинг этагини таталаб юлаяпти
бесаранжом овози.

Тун эса юлдузларнинг томоғидан тутган,
кичрайиб қолган – кўз ёш каби – ой;
чўчиган, барча товушни ютган –
қўркинчга бой,

қўркинчга бой.

Бу туннинг феъли жуда даҳшат –
ухласа мангу қоладигандай бу чоғ.

...Берган мададинга, худойим, раҳмат –
Ҳеч бўлмаса, итларинг уйғок.

Шоир муайян ҳаётий воқеа-ҳодисани дунёвий, фалсафий ва кўпинча, ижтимоий муаммоларга боғлаб тасвирлайдики, буни кўп шеършунослар Усмон Азимнинг ҳамма нарсадан шеър топа олиш истеъдоди деб тушунтирадилар. Аслида, бу – диалектика. Мантикнинг кучи. Дунёни, умуман, борликни, яратувчи ва яралмишни бир бутунликда кўриш. Шахснинг бутунлиги.

Катта ишлар, улуг фикрлар кичик, биров учун арзимасдек туюлган воқеалардан бошланади. Бу шеърни оддий бир воқеага боғлаш, муаллиф уни итнинг хуришидан уйғонган пайти ёзган, деб тушунтириш ҳам мумкин. Бироқ шеърда муаллиф уйғонганида хураётган итнинг ҳолати эмас, дунё, бутун борлик – еру осмон ўзининг фожиавий манзараси билан акс этади. Бу манзара ифодасига фалсафий, сўнгги мисраларда эса ижтимоий мазмун ҳам юкланган. Оддий информация – ҳаётий воқелик ҳақидаги ахборотнинг поэтик информацияга айланиш жараёни ушбу шеърда яққол кўринади.

Дунёда тилга келадиган чин сўз, чин фикрни чўкаётиб кутулишга уринаётган одамнинг ҳаёлига келадиган ўйларга қиёслаш мумкин. Қолган ҳаммаси – сафсата, сохталикдек, гўё. Чин сўз ҳақиқатан сўнгги сўздек. Шоир



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi
<https://kitobxon.com/uz/asar/3018> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси
<https://kitobxon.com/uz/asar/3018> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию
можно найти на сайте
<https://kitobxon.com/ru/asar/3018>